

## Ҳамкорлик ҳикмати

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган илк кунлариданоқ, ўзининг ишончи ва суюнчи деб билган юрт ёшлари учун барча имкониятларни яратди, ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилид. Бу борада олийгоҳимизда ҳам эътиборга молик қатор ишлар амалга оширилган ва амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, институтимиз талабалар турар жойларида ёшларимизни бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун тарбиячи педагогларимиз масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар. Айниқса, 4-сонли талабалар турар жойининг тарбиячи педагоги Қутлимуратов Жавлонбекнинг бу борадаги ташкилотчилиги таҳсинга сазовордир.

У талабаларни бир-бирига бўлган ҳурматини, бирдамлигини ошириш, бир оила фарзандидек аҳил ва иноқ бўлишлари учун турли хил мусобақалар уюштириб келади. Шу билан бир қаторда талабалар ўз истеъдодларини намойиш этишлари, ўзларига бўлган ишонч ҳиссини янада оширишларини назарда тутган ҳолда, кўплаб тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Уларнинг меҳнатларини рағбатлантириш мақсадида талабалар уйига, яъни маҳаллаларига ота-онасига ташаккурномалар жўнатган. Ташаккурномаларни маҳалла фаоллари томонидан ота-оналарига топшириш маросимлари вилоятлар оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилмоқда.

Навоий вилояти "Тўққизтепа" МФЙ раиси миннатдорчилик билдириди. Ҳурматли Ўқтам Пардаевич, талабангиз Усманбаев Мурад Фурқат ўғли институт ва факультетингизда ўзининг яхши хулқи ва ўқиши интизоми билан факультет тадбирларида фаол иштирок этганидан биз жуда хурсандмиз. Шундай билимли, зукко фарзандни тарбиялаб ўқитаётган Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ўқитувчиларига катта миннатдорчилик билдирамиз.

Сиз ва жамоангизга келгуси ишларига ривож ва муваффақиятлар тилаймиз. Сизнинг юборган ташаккурномангизни олиб "Тўққизтепа" МФЙ аҳоли ўртасида Усманбаев Муратнинг отаси Жумабаев Фурқат Усманбаевичга ўз табригимизни билдириб ташаккурномани топширдик.

Конимех тумани ҳокими Мурод Эгамқулов ҳам ушбу ташаккурнома ҳақида маълум қилдик ва Конимех туманидан чиқадиган "Конимех тонги" газетасига мақола бердик. "Тўққизтепа" МФЙ раиси К. Артиков Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти профессор ўқитувчиларига миннатдорчилик билдириди.

**Маънавият ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Дилбар Сиддиқова  
ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**